

Президент Фармони — ҳаётга

АМНИСТИЯ

юксак даражадаги инсонпарварлик, бағрикенглик тимсоли

«Жазони ижро этиш муассасаси» назорат-рухсат пунктида. Сўнги икки ой давомида бу ерга келиб, ўз жигарбандлари, яқинлари ҳолдан хабар олаётганлар сони кўпайди. Боиси, Президентимизнинг **Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан эълон қилган Амнистия тўғрисидаги Фармони ҳаётга изчил жорий этилаётганидир.**

Назорат-рухсат пункти ёнида муассаса ходими бу ерга келган ота-оналар, қариндош-уруғлардан уларнинг фарзандлари ва яқинлари бўлиши махбустларнинг исм-фамилияларини ёзиб олади. Орадан муайян вақт ўтгач, у ҳужжатларни ўрганиб, мазкур амнистияга биноан махбустлардан қайсини яқинда бутунлай озод бўлади-ю, қайсинининг жазо муддати қанчага қисқарганлигини баланд овоз билан ўқиб эшиттиради. Биз айрим ота-оналар билан суҳбатлашдик.

Президентимизга минг раҳмат, - дейди Фаргона вилоятдан келган Нурилла ота Бокиев. - Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами арафасида амнистия ҳақидаги Фармонга имзо чекиб, юксак даражада бағрикенглик, меҳрибонлик кўрсатди. Амнистия тўғрисидаги тўғри йўлдан адашган фарзандларимизга беқийс энгиллик бўлди. Энди нафақат уларнинг, балки биз — ота-оналарнинг ҳам кўзимиз очилди, ҳатоимизни тўла англаб етдик.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис сессиясидаги сўзлари ҳали ҳануз қулоғим остида янграйди, - дея фикрини ифодалайди Навоий вилоятдан келган Марям Содикова. - Чинданам, авваллари ҳуқуқ-тартибот органлари иқтисодий камоматга йўл қўйган кишини қамашга зўр беришарди. Ахир, халқимизга хос бағрикенглик, дақиқ-дашном бериш каби усулларни қўллаб, давлатга етказилган моддий зарарни ундириб олиш ҳақида йўлаб кўрилса, яхши эмасми? Президентимизнинг Олий Мажлис сессиясидаги сўзлаган нутқида ўртага қўйилган долзарб масалалар биз таъкидлаётган камчилларни бартараф этиш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини яхши томонга ўзгартиришда муҳим омил бўлаётганлигини яхши ҳис қилмайсиз.

Навбатдаги суҳбатдошимиз Сирдарё вилоятдан келибди. — Бу ерда кимингиз бор, она?

— Ўғлим Жаҳонгир. У эндигина ҳаётга мустақил қадам қўйганида йўлдан адашди. Динни ниқоб қилиб олган ярама кимсалар уни жиноятга етакладилар.

— Энди бу ерда бўлган кезлари даврида кўзи очилиб, оқ-қорани таниб олгандир. — Албатта-да, - чехраси ёришди аёлнинг, - яқинда кўришгандик. «Амнистияга тушимди, озодликка чиқсам, ҳаётимни бутунлай бошқатдан бошлайман» деяпти.

Муассасанинг масъул ходимларидан бири Қувондиқ Рўзиметовнинг таъкидлашича, бу ердан амнистия тўғрисида кунига ўнлаб махбуст озодликка чиқмоқда. Ички хизмат подполковниги Евгений Равинский бошчилик қилаётган муассаса республика Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармасига қарашли мустақам интизом ўрнатилган муассасалардан бири ҳисобланади.

— Аввал ҳам жиноят содир этиб, бир марта авф қилинганлар, шунингдек, муассасада тартиб-интизомни бузаётган махбустларга нисбатан амнистия қўлланилмайди, буни ҳам рўй-роҳат айтмоқ лозим, - таъкидлайди Евгений Геннадьевич. - Эйтиборли ҳоли шунки, давлатимиз раҳбари томонидан имзо чекилган амнистияга биздаги махбустларнинг кўпчилиги қисми тўшади.

Автобуста азим Тошкентга қайтар эканмиз, амнистия тўғрисида озодлик чиққан пойтахтлик Алишер Турғунов билан фикрлашамиз. — Эркин яшаш, тер тўкиб меҳнат қилиш, ўз оиланг, қариндош-уруғларинг орасида шодон ҳаёт кечириш нақадар улуғлигини қамқоқнада турган тушундим. Яхши биламан: бундан буён катта синовлар кутадим мени. Ишонтириб айтаманки, ҳалол ишлаб, ҳалол яшаб, гўзал Ватанимни бор имконим билан улуғлайман.

Қ.СОБИРОВ,
«Ишонч» мухбири.



Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

КЎЛ СУВИ ТАБИЙ ТОЗАЛАНАДИ

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш борасида бирмунча ишларни амалга оширмоқда. Жамғарма томонидан Устюртдаги суви тортилиб бораётган кўлларнинг сатҳини пасайтирмадан сақлаб қолишга йўналтирилган лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Чунончи, Қўнғирот ва Мўйноқ тумани ҳудудида жамғарма маблағи ҳисобидан умумий баҳоси 2 миллион 698 минг АҚШ доллари миқдоридagi иккита лойиҳа бўйича қурилиш ва мелiorация ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, Судочье кўлига қуйилиб турган Амударё узанининг чап қирғоғидан бошлаб суви тортилиб бораётган кўлларни туташтирувчи 8 километрлик экологик канал, шунингдек, кўллар оралиғида узунлиги 2 километр бўлган 2 та канал қазилмоқда. Бу каналлар орқали Судочье кўли Ақшуба ва Тайби кўллари билан боғланади ҳамда кўллар сувининг айланма ҳаракати ҳосил қилинади. Натижанда ўта шўрланиб кетган кўл сувининг табиий ҳолда тозаланиши имкони тугилди.

(ЎЗА).

Чортоқлик деҳқон ва фермер хўжаликлари асосан мева, сабзавот, картошка, чорвачилик, галла етиштиришга ихтисослашган. Улар эл дастурхонига турли хил ноз-неъматлар етказиб бериш билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ишига ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

КИРОЙИ ФЕРМЕР ШУНДАЙ БЎЛСА

Ана шундай саховатпешалардан Умаржон Собиров етакчилик қилаётган «Чорвадор» фермер хўжалиги бу йил етиштирилган галлаларнинг 1,5 тоннасини кам таъминланган оилаларга тарқатди. Бундан ташқари Қўтан қишлоғидаги 3 та мактабнинг қайси биринида олий ўқув юртига кирганлар сони кўп бўлса, шу билим маскани 25 минг сўм мукофот пули олиб келаётди. Туман ноғиронлар жамаиятига ҳам шунча маблағ ўтказиб берилди.

Абдулло Нишонов бошчилигидаги «Ихлос» фермер хўжалиги эса китоб сотиб олиш учун тумандаги учта мактабга 100 минг сўмга яқин маблағ ажратди. «Наврўз» номли 10-боғчага 7 та палос тўхта этди. Кам таъминланган оилаларга эса 50 минг сўмлик турли хил маҳсулотлардан ёрдам қилди.

Ойқирон қишлоғидаги «Нодирбек» фермер хўжалиги етакчиси Одилжон Мўминов йилга 30-35 тонна сут, 3,5-4 тонна гўшт етиштириб, тумандаги болалар боғчалари ва марказий шифохонага етказиб бераёпти.

Ўзбекистон деҳқон ва фермер хўжаликлари Чортоқ туман вакилчилиги жамоаси соф фойда ҳисобидан йил бошидан буён турли тадбирлар учун маҳалла фуқаролар йиғинларига 110 минг сўм, кам таъминланган оилалар ва беморларнинг даволанишлари учун 250 минг сўм, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 200 минг сўм маблағ ажратди.

Эркин ТЎЛАГАНОВ,
меҳнат фахрийси.

САХОВАТПЕША — ЭЪЗОЗДА ҲАМИША

Саховат, меҳр-муруват инсоннинг улғу фазилати. Ҳазрат Алишер Навоий таъкидлаганидек, энг олийҳимматлик ўзликдан кечиб, ўзгаларга роҳат бағишлаш, ҳаётнинг давомийлигига қўмак бермоқликдир. Буни Косон туманидаги Оқсалла қишлоғида умргузаронлик қилаётган Жомурод Алламуродов қалбдан хис қилади. Зеро, унинг ёшлиги қийинчиликка ўтди. Отаси ҳаётдан эрта кўз юмди. Онаси Ўлжон момо фарзандини кам қилмаслик учун оқ ювиб, оқ тариди. Бахтига ўғли ҳам отаси каби меҳнатсевар, одамхон бўлиб етишди. Куч-гайратга тўлган, ҳамиша эзгуликка интилувчи Жомурод хўжалиқда қурувчи, бригада бошлиғи, чорвачилик фермаси мудири вазифарарида ишлади. Чўпон фарзанди эмасми, имкон бўлди дегунча 60 бош қорамол сотиб олиб, хусусий ферма ташкил этди. Ҳар на қилса ўзиники-да. Оила аъзолари, вақти келса қариндош-уруғларини ёнига олиб, кеча-ю кундуз ишлади. Моллар бош сонини оширди, зотини яхшилади, озуқа базасини мустаҳкамлади. Қарабасики, қорамоллар бош сони 417 тага, қўй-эчкилар сони эса 3350 тага етди. Бундан руҳланган мулкдор отчилик ва туячиликка ҳам асос солди. Энди у халқимизга арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари, фермерларга зотдор моллар етказиб берувчи тадбиркорга айланди.

— Бир йилда истеъмолчиларга ўрта ҳисобда 300 тонна гўшт, кўлаб сут етказиб бераёғимиз, — дейди хусусий ферма раҳбари. Бундан ташқари, 16 та шифохона, 36 та болалар боғчасига ҳам сархил неъматлар узлуқсиз жўнатилмоқда.

Хусусий чорвачилик фермаси жамоаси аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жомурод аканинг таъкидлашича, жорий йилда 300 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 200 ўқувчи, 20 нафар ўқитувчи кўлаб-қувватланди. Аҳоли илтимосига кўра, 2 та артезиан қудуғи қазилиб, 3 та қишлоқ ичимлик суви билан таъминланди. Қаранг, жамоа хўжалиғидаги қатор мактабларга қарийб 1 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Мулкдорлар билан фикрлашарканмиз, Б.Расулов, Б.Ниезов, Р.Худоёров каби чорвадорлар бизга рўбарў бўлишди.

— Мулкдор бойиса, кўпга нафи тегади, деб бежиз айтишмайди, - дея таъкидлашди улар. - Бизнинг Жомурод ога ҳақиқий саховатпеша инсон. Яқинда қишлоқ турғуноҳасига 30 та кроват, марказий шифохонага 3 та телевизор, илм масканларига 51 минг сўмлик жиҳоз, кам таъминланган оилаларнинг болаларига 200 минг сўмлик дарсликлар олиб берди.

Хусусий фермада ишлайдиган 64 киши алоҳида меҳрибонлик билан қўшаб олинган. Улар бепул кийим-бош, иссиқ оқват билан таъминланган. Тўймаърақалар учун зарур бўлган неъматлар хусусий ферма ҳисобидан етказиб берилади. Эндиликда номи кўпчиликка маълум бўлган «Шомурод ота» хусусий фермасида қорабайир отлар, тивит жунли эчкилар, ҳисори қўйлар ҳам етиштирилмоқда.

И. ИСОМИДИНОВ.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

РАИСНИНГ КАЙФИЯТИ ҚАЛАЙ?

Навбахор туманидаги «Навбахор» ширкат хўжалиғи ўтган йили пахта, дон етиштириш режаларини бахтарган. Йил якунига кўра кўзлангандан кўп — 14904 минг сўмлик фойда олинган. Даромад бу йил ҳам ҳар ҳолда ёмон бўлмайди. Умуман, молиявий фаолиятга назар ташласангиз, ҳаммаси рисоладагидек кўринади. Хўжалик раиси Сайфулло Тўраев ҳам муваффақиятлар ҳақида берилиб гапирди. Шу тобда хонага пудратчи аёл кириб келди-ю, суҳбатимиз бўлинди. Онахоннинг чехраси синиккан, асабийлашаётгани яққол билини турарди.

— Кайфиятингиз яхшилигини сезиб, яна безовта қилиб келдим, - деди пудратчи. - Бизнинг муш-

қулумиз қачон осон бўлади? Хўжалик раҳбарининг кайфияти ўзгарди. Аёлни бухгалтерга рўбарў қилди. Шу баҳона кўп нарса ойдиланди. Маълум бўлишича, пудратчи Соҳида Жумаева ва унинг оиласига нисбатан адолатсизлик қилинаётган экан. Гап шундаки, фидокор аёл 1994 йилдан бери хўжалиқда оилавий пудрат асосида ишлаб, пахта етиштирибди. Бирок, қонуний иш ҳақини вақтида ололмабди. Охир-оқибат 5 гектар пахта етиштирилаётган майдонни топширишга мажбур бўлибди.

— Ўтган йилги 40 минг сўм ҳақимизни олсак ҳам майли эди, ҳарна рўзгорга мадад бўларди, - фикрини ифодалайди С.Жумаева. - Инсоф сари барака, дейдилар. Раисга босам, у бухгалтерга, бухгалтер эса раисга юборади. Ёки эртага келинг, дейишарди. Эртанинг эса охири кўринмапти.

Хўжалик касба ошима кўмиртаси ва маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасида оиллик маошнинг ишловчиларга вақтида тўлаш, ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор бериш қайд этилган. Бирок, ҳозирча умумий гапдан нарига ўтилмаётди. Касабақўм мурасосозлик йўлини тутганлиги боис, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўла олмапти. Боз устига, оиллик маошнинг тўламаслиги учун ҳеч қандай баҳона йўқ. Гап фақат инсон омилига масъулият билан ёндошишда, бурч масъулиятини хис этишда, баҳоналарни йиғиштириб қўйиб, қонун устуворлигини таъминлашда қолган.

Я.САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

«ЧАНАШИҚ» ГИЛАМАРИ

Хива туманидаги «Чанашиқ» хусусий фирмасида ҳозирги кунда 11 турдаги гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётди. 80 нафар қишлоқ қизлари меҳнат қилаётган корхона ҳар ойда 4 минг квадрат метрдан ортиқ гилам маҳсулотларини сотувга чиқармоқда.

Бу ерда меҳнаткашларнинг ишлашлари ва дам олишлари учун қулай шароитлар яратилган. Фирма раҳбари, Дўстлик ордени соҳиби Шухрат Абдуллаев билан корхона ва унинг атрофини айланар эканмиз, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Айниқса, бу ерда яратилган боғни кўриб, кўз қувнайди. Ишчилар ошхонасида талабдан келиб чиққан ҳолда миллий таомлар тайёрланади. Цехлар ҳамиша саришта. Ўз меҳнати билан ҳурмат қозongan гилам тўқувчилар Хосият Абдуллаева, Ёркиной Машарипова, Қумуш Ҳўжаева, ишлаб чиқариш усталари Санжар Расулов ва Руслан Абдуллаевлар «Чанашиқ»нинг фахридорлар.

Баҳромжон янги ишхонага атиги бир ҳафтагина қатнади, холос. Улар ўзларига ўхшаган ўнлаб йигитлар билан бирга вагонлардан юк туширишар, уни қопга солиб мижозларнинг машинасига юклаб беришарди.

Бухоро шаҳридаги масъулияти чекланган «Заря Востока» жамиятига шу тарзда ёллашиб ишлайдиганларнинг сони ошиб боради. Кунларнинг бирида бу ерда қутилмаган фожера содир бўлди. Баҳромжон иш жойида рўй берган бахтсиз ҳодиса оқибатида 21 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Нега фожера рўй берди? Унинг сабаблари битилган ҳужжатларга разм солаемиз. Маълум бўлишича, Баҳромжон Бақоев ўтган ойнинг 7-кунинида ток уриши натижасида шу жойинг ўзидаёқ бандаликни бажо келтирди. Шу кунни уни умр йўлдоши ва бир-биридан ширин икки нафар фарзанди сўнги бор ишга кузатганларига сира ишонгилари келмапти.

У одатдагидек эрта-лаб соат 8 ларда ишга киришарди. Ярим соатдан сўнг цемент солиш-

фатида қайд этилмаган. Нега комиссия аъзолари вилот касаб ваюшмалари Кенгаши меҳнат техник нозир Р.Ашуровнинг ҳулосаларига эъти-

Техника хавфсизлиги унутилган жойда

Фуқаро Б.Бақоевнинг электр токи уруши натижасида ҳалок бўлганлиги, лоқайдлик сабаб. Ўйриқнома пухта ўрганиб чиқилиб, сўнгра

ланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади дейилган. Унга кўра марҳум Б.Бақоев ҳам «Заря Востока» жамоаси билан меҳнат шартномаси тузган дейишга ҳақимиз. Демак, у ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса сабабли ҳаётдан кўз юмган. Баҳромжоннинг оиласи ҳам биринчи навбатда фирма маъмурияти томонидан ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий ҳимояга олиниши шарт.

Хусусий фирмага 10 киловат қулнишига эга бўлган подстанция билан олдидаги 300 квадрат метр майдонни шартнома асосида ижарага берган «Матлуботсавдо» хиссадорлик жамияти маъмуриятига ҳам эътирозимиз бор. Нега улар ўз манфаатларини ўйлаб, ишловчилар хавфсизлигини унутишди, инсонлар тақдирига бефарқ қарашди?

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

ТОВОН ПУЛНИ КИМ ТЎЛАЙДИ

га қоп излаб, майдон четидаги 10 вольт қулнишига эга бўлган подстанция биносининг ичкарисига қиради. Хона ичидаги металл шкафдан (аслида бу шкаф қульф бўлиши керак) қопларни олаётганда қўли бехосдан электр шинага тегиб кетади...

Еш оила, икки норасида гўдак боқувчисидан ажраб қолди. Техника хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилиб иш юритилганда эди, бундай кўнгилсиз воқеа содир бўлмасди. Энди эса минг бора афсус дея бош чайқашдан не наф? Аммо рўй берган фожера негадир ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳодиса си-

борни қаратмаганликларини бизни янада ажаблантирди. Унда воқелик адолатли тарзда талқин қилинган-ку! Мутахассис Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ҳодимлар саломатлигининг бошқал зарарланишларини тегиштириш ва ҳисоботга олиш тўғрисида»ги Нишонига мувофиқ мазкур кўргиликни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳодиса сифатида қайд қилиш лозимлигини илгари суради. Бу эса минг бора афсус дея бош чайқашдан не наф? Энди қуйидаги ҳолатларга эътиборни қарат-

амалиётга тадбиқ этилган бундай ноҳус ҳол рўй бермаслиги аниқ эди. Иш ўринлари назоратсиз қолдирилгани қимматга тушганини ҳам эътироф этиш керак. Б.Бақоев ёлланиб ишлаган кунлари мобайнида омбор мудиридан меҳнат ҳақини олиб келган. Меҳнат Кодексининг 82-моддасида «Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ҳодимга ҳақиқатдан ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмагандан қатъий назар иш бош-

АСОСИЙ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси тарихида «Нитрон» заводи иш бошлаганига 30 йил бўлди. Тўрт мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган жамоа шу давр мобайнида мамлакатимиз санъатини нитрон толаси билан таъминлаб келмоқда. Дастлабки йиллари бор-йўғи 2,5 минг тонна тола ишлаб чиқарган корхона ҳозирда йилга 10 минг тоннадан зиёд маҳсулот тайёрламоқда.

Заводда 1983 йилдан рангли тола ишлаб чиқарила бошлади. Мустақилликкача 60 рангдаги 3-4 хил тола тайёрланган бўлса, ҳозирда бозор талаблари, корхоналар эътижи чуқур ўрганилиб, 800 рангдаги 13-14 хил тола харидорларга ҳавола этилмоқда. Энг қувончли шундаки, сунъий тола, эмульсия, тиомочевина, аммоний сульфатга талаб йилдан-йилга ошиб бораётди. Бу эса янги маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга имкон бермоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга чет эллик ҳамкорларнинг қизиқиши ортади. Айни пайтда корхона маҳсулоти Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва ҳамдаушлик давлатларига экспорт қилинмоқда.

Корхонада 1994 йилдан эмульсия тайёрланмоқда. Бундай маҳсулот тайёрловчи корхона ҳамдўстлик мамлакатлари ичида ягона ҳисобланади. Жорий йилнинг тўққиз ойида 200 тонна шундай қимматбаҳо билик жамияти маъмуриятига ҳам эътирозимиз бор. Нега улар ўз манфаатларини ўйлаб, ишловчилар хавфсизлигини унутишди, инсонлар тақдирига бефарқ қарашди?

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

МЕХНАТ ТАЪТИЛИГА ЧИКИШ ВА ЧАҚИРИБ ОЛИШ

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Мехнат таътили бериш ва ундан фойдаланиш тартиби ҳамда ходимни меҳнат таътилидан чақириб олиш ёки уни пуллик компенсация билан алмаштириш тўғрисида тушунча берсангиз.

М.МАТЕКУБОВ,
Қўшқўпир тумани.

ЖАВОБ: Барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида, Мехнат Кодексининг 1-моддасида кўрсатилганидек, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахсларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи, ўртача иш ҳақи сақланган ҳамда Мехнат Кодексининг 133-, 152- моддаларига риоя қилинган ҳолда йиллик меҳнат таътили берилди.

Йиллик таътил дейилганда асосий таътил, йиллик узайтирилган асосий таътил ва кўшимча таътиллار тушунилади. Ҳар бир ходимга ҳар йили ўн беш кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилди.

Айрим ходимларга уларнинг ёши ва соғлиги ҳисобига олиниб, йиллик узайтирилган асосий таътил берилди. Булар куйидагилар: — ўн саккиз ёшга тўлганлар — ўттиз календар кун; — биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига — ўттиз календар кун.

Мехнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларда белгиланганидан ташқари, муассасада назарда тутилган узайтирилган таътиллarning аниқ муддати, ундан фойдаланиши мумкин бўлган лавозимлар, уни бериш тартиби жамоа келишувларига, жамоа шартномаси ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномасида ҳам белгиланади.

Кўшимча таътиллари тўғрисида сўз юритилганда куйидагиларга тўхталиб ўтмоқ зарур. Қўшимча таътиллари:

— меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга; — оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида иш бажараётган ходимларга (Ўзбекистон Ҳукумати томонидан белгиланади); — меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилди.

Ҳозирги кунда ходимларга меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун бериладиган йиллик кўшимча таътиллари муддатини белгилашда муаммоларга дуч келинмоқда. Чунки Мехнат Кодексининг 137-моддасида корхоналарда кўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати ва шартлари иш жойларининг меҳнат шароитлари баҳолангандан кейингина белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Лекин корхона, муассасаларда иш жойларининг меҳнат шароитлари баҳоланган эмас.

1996 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ходимларга кўшимча таътиллари олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат шароити зарарли ишлаб чиқаришлар, цехлар, касблар ва лавозимлар рўйхати ҳамда унга илова қилинган йўриқнома юридик кучини йўқотган.

Шунинг учун Мехнат Кодексининг 88-, 89-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорига амал қилинган ҳолда ходимлар уларга олдиндан бериб келинган кўшимча таътиллари тўлиқ

фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Кўшимча таътиллари муддати меҳнат шартномаси ва жамоа шартномасида кўрсатилган бўлиши керак.

Ходимда биринчи иш йили учун меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқини меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин пайдо бўлади. Бунда ўтган календар давр эмас, йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажи ҳисобга олинади.

Олти ой ўтмасдан куйидаги ходимларга уларнинг хо-

— ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан умр йўлдошларининг хомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилди.

Ходимларга таътил тўлиқ берилди ва уларга ўртача иш ҳақи миқдорига ҳақ тўланади. Айрим ходимларга таътил даври учун тўлиқ ҳақ тўланмайди. Булар куйидагилар:

— ўриндошлик асосида ишлаётганларга — асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мута-

дар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан қасб-ушма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Амалиётда ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб деганда фақат бу органининг раиси (раҳбари)нинг имзосини олиш билан чегарланади. Бу нотўғри, албатта ўша органининг қарори бўлиши ва қарор шу орган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши ҳамда имзо ўрнида қарорнинг тартиб сони, санаси кўрсатилиши керак. Мехнат таътилларида фойдаланиш тартибини ва таътиллари бериш навбатини белгилашда ходимларнинг айрим трифаларига бериладиган кафолатларини назарда тутувчи қонунлар ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларига риоя қилинганлигига аҳамият бериш зарур.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланганидан камидан ўн беш кун олдин маъмурият томонидан ёзма равишда хабардор қилиниши керак. Ходим урди сабаблари бўлса, иш берувчи билан келишган ҳолда таътилни бошқа муддатга кўчириш қонунда белгилаб қўйилган. Лекин Мехнат Кодексининг 145-моддасида ходимлар куйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқини кўрсатиб ўтилган:

— вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида; — хомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;

— йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;

— давлат ёки жамоат вазибаларини бажараётганда.

Шуни таъкидлаш зарурки, иш берувчи ва ходимга тасдиқланган таътиллари жадвали бажариш мажбурийдир. Шунинг учун ходимга бир неча йил давомида меҳ-

нат таътили берилмаса, у ҳеч вақт «куйиб» кетмайди ва ходим барча йиллар учун таътидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Чунки бундай ҳолатда жадвал асосида таътилни ўз вақтида бермаган иш берувчи айбдор ҳисобланади.

Мехнат қонунчилигида ходимларни таътидан чақириб олиш ва уларга фойдаланмаган таътиллари учун пуллик компенсация тўлашининг тартиблари кўрсатилган.

Таътидан ходимни чақириб олишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади ва у таътилни ўн икки кундан кам бўлмаган қисмида фойдаланган бўлиши керак. Таътилни фойдаланилмаган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин ва ундан ходим шу йили фойдаланиши зарур. Таътидан чақириб олиш тўғрисида буйруқ чиқарилди, демак, ходим ишга чиқиши шарт, деган фикрдан узоқ бўлиш керак. Чунки ходим унга розилик бермаслиққа ҳақли.

Ходимга иш даврида келишилган ҳолда йиллик таътилни ўн беш иш кундан ортиқ қисми учун компенсация тўлаши мумкин. Бунда албатта Мехнат Кодексининг 137-, 138-моддаларида кўрсатилган (меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ҳамда оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги ишлар учун бериладиган) кўшимча таътиллари пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмаслигини ёддан чиқармаслик зарур.

Мехнат шартномаси бекор қилинганда ходимга барча фойдаланмаган таътиллари учун пуллик компенсация тўланади.

Ҳар бир ходим ҳар йили таътилда бўлиши кераклигини назорат қилиб бориш қасба уюшма кўмитасининг диққат-эътиборида бўлиши шарт ва ходимларнинг бундай ҳуқуқлари бузилганда албатта қаттиқ чоралар кўрилиши керак.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ҳишига биноан таътил берилди;

— аёлларга — хомиладорлик ва туғиш таътили олдиндан ёки ундан кейин;

— I ва II гуруҳ ногиронларига;

— 1941-45 йил уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

— ўн саккиз ёшга тўлганларга;

— муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатирилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;

— ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътиллари имтиҳонлар, синовлар топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олиши хоҳласалар;

носиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;

— мактаблар, ҳунар-техника билим юрлари, олий ва ўрта махсус ўқув юрлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлари биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўланган ҳолда ёзи таътил даврида тўлиқ берилди.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллари жадвали асосида иш йилининг исталган вақтида берилди.

Йиллик меҳнат таътиллари бериш навбати кален-

Кўнғирот туманида бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш, айниқса ногиронлар ва ёлғиз яшовчи қарияларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида бир қанча амалий ишлар қилинмоқда.

ҚАРИЯЛАР ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ

Яқинда туманда қарияларнинг дам олиш маскани қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда 110 нафар ногирон, ёлғиз яшаётган қария, уруш ва меҳнат фахрийларига малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит яратилган.

(ЎЗА).

Бандлик дастури амалда ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Чилонзор тумани Мехнат бандлиги Бандлик дастури асосида аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, оналар ва болалар йили муносабати билан аёллар учун махсус иш ўринлари ташкил этишга эътибор кучайтирилди. Мақсадга эришишда корхона, ташкилот раҳбарлари, маҳалла хотин-қизлар кўмиталари билан ўтказилаётган мулоқотлар, фикр алмашувлар муҳим рол ўйнамоқда. Бундай учрашувлар Нақошлик, Дўмбробод, Олмазор маҳаллаларида бўлиб ўтди. Унда долларб муаммони ҳал этиш имкониятлари излаб топилди.



Суратда: корхона ишчилари маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

Собир ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ислон дини ёки асосан ёшларни тўғри йўлдан алаштираётган, зулматга етаклаётган ярамас оқимлар ҳақида аниқ тасаввурга эгамиёсиз? Андижон вилояти «Оила» илмий-амалий маркази қасба уюшма ташкилотлари, «Маҳалла», «Соғлом авлод» жамғармалари ёрдамида ана шу саволга жавоб топиш мақсадида маҳалла хонадонларида социологик тадқиқот ўтказмоқда.

ҳар бир тумандаги 300-400 оилада бўлишмоқда. Шахрихон ва Асака шаҳарларида 850, Булоқбози, Қўрғонтепа, Балиқчи туманларида 1700 га яқин хонадонда оила аъзолари билан мулоқот олиб боришди. Тадқиқот шуни

тилгани, ҳар бир инсоннинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояда бўлиши мустақиллик меваси эканлигини тўғри англамоқдалар. Бу албатта қасба уюш-

Оила — жамият пойдевори

риш йўлидаги саъй-ҳаракатлари яхши самара бераётир. Бироқ, тадқиқотлар шуни ҳам аниқлаб бердики, миллий ғоя ва юксак маънавият тар-

лишяпти. — Бу жиддий ўйлаб қўриладиган масала. Чунки нур кирмаган жойга зулмат қиради, деган нақл бежиз айтилмаган, — дейди илмий-амалий марказ раҳбари, — Зулмат тарафдорлари бўлмиш экстремистлар ана шундай ота-оналарни, уларнинг фарзандларини «овлайдилар». Айрим ёшларимизнинг зарарли диний оқимлар таъсирига берилиб қолаётганлиги сабаби ҳам шунда деб ўйлайман.

Тадқиқотлар турли университетлар, марказлар, клублар, «Маънавият ва маърифат» уйлари орқали олиб борилаётган оммавий тушунтириш ишларига аҳолининг барча табақаларини мумкин қадар кенгроқ жалб этиш зарурлигини кўрсатяпти.

М.АБДУКАРИМОВ.

ТАДҚИҚОТ НИМАНИ КўРСАТДИ?

Бу масала янги авлод тарбиясида долзарб масаладир. Боланинг асосий вақти ота-она ҳузурда — оилада ўтишини, куш ўз уясида кўрганни қилишини назарда тутадиган бўлсак, бу вазифанинг моҳияти янада аққолроқ кўзга ташланади. — Тадқиқот жараёнида қатор долзарб масалаларни ойдинлаштириб олишни кўзда тутганимиз, — дейди вилоят «Оила» илмий-амалий марказининг директори Дилдорахон Саматова. — Маълумки, оила — жамият пойдевори. Жамият ва давлатнинг гуллаб-яшнаши

айнан шу пойдеворнинг нечоғлик мустақамлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам оила бошлиқларининг дунёқарадини, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга, миллий мафкурага, динга муносабатини, оиланинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш бундан кейинги ишларимиз йўналишини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Марказ вакиллари

кўрсатдики, умуман олганда, мустақиллигимизнинг 10 йили мобайнида ўзбек оиласи ҳаётида қатта ижобий ўзгаришлар юз берган. Ҳаётимизнинг тинч-товушлиги, турмушимизнинг фаровонлиги сари юз тугиб бораётгани, қатта ободончилик ишларини кишилар мамнуният билан эътироф этишининг ўз қобилиятини тўла намойён эта олишига қулай шароит яра-

маларининг, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод» жамғармаларининг, «Маънавият ва маърифат» марказларининг биргаликдаги кенг қўламада олиб бораётган ишлари натижасининг. Кейинги йилларда маҳаллаларда ташкил этилган маънавият доираларининг ҳамда халқ университетларининг жойларда миллий ғоя ва миллий мафкурани ҳар бир меҳнат қилиши онгига сингди-

гиботи ҳар бир хонадонга кириб бораётгани йўқ. Маҳаллаларда ўтказилаётган хилма-хил маънавий-маърифий тадбирлардан айрим хонадонлар четда қолмоқда. Шу вақадан диний тарафдорлар доирасида камчиликлар сезилмоқда. Ҳақиқий диний маърифат билан дин никоҳида иш кўрувчилар гоёсини бир-бирдан фарқлай билишда баъзи ота-оналар анча қийна-

Сирдарё вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаси Ширин ва Янгиер шаҳар ҳокимларига амалдаги қонунларга зид чиқарилган қарорларини бекор қилиш ҳақида кўрсатма берди.

Барча ишни қонунга мувофиқ амалга ошириш даври талабидир, акс ҳолда ҳаққоний бўлиши мумкин, деди худудий бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Икром Худойбердиев «Туркистон-пресс» муҳбирига. Чунки, биз Ширин ва Янгиер шаҳар ҳокимлари томонидан чиқарилган бир неча қарорларни ўрганиб чиққанмизда худуд шундай қонунбузарликка дуч келдик.

Икром Худойбердиевнинг таъкидлашича, ўтган йил 20 июлда Янгиер шаҳар ҳокими тазқондо бўйича мусобақа ўтказиш учун 24-автокорхона, «Янгиергаз», «Янгиернон» ва бошқа корхоналарнинг ҳомийлик қилиши ҳақида қарор чиқарган. Ҳоким ҳулосага келишдан илгари бу жамоаларнинг пул ўтказишга розилиги олинмаган. Оқибатда акциядорларнинг қонуний манфаати бузилган.

ҚОНУНИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

Афсуски, Ширин шаҳар ҳокимининг бир қанча қарорларида ҳам шундай ноқонуний ҳолатга йўл қўйилган, — сўзини давом эттирди Икром Худойбердиев. — Масалан, ўтган йил 9 октябрдаги «Шаҳар газетаси «Ширин садоси» обуна нархи тўрт минг сўм қилиб белгилансин», 4 декабрдаги «Ширин шаҳар худудида жойлашган қарьер шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармасидан кўкаламзорлаштириш идораси балансига ўтказилсин», шу йил 22 январдаги «Ширин шаҳридаги «Мотамсаро ОНА» ҳайкалини тайёрлаш, харажатларини маблағ билан таъминлаш шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси зиммасига оқлатилсин», дейилиши амалдаги қонунга тўғри келмайди.

Биринчи ўринбосар шаҳар ҳокимининг 1 март ва 23 мартдаги 21 ҳамда 33-фармойишлари ҳам «Товар бозорларида монополистик фаолиятини чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги республика қонунига зид эканлигини таъкидлади. Чунки 21-фармойишда «Шаҳар марказида ҳомийлар томонидан шаҳар аҳолиси учун қуриладиган павилонни маблағ ва қурилиш материаллари билан таъминлаш шаҳар қурилиш бошқармаси ва 67-кўпқирозлик бўлими зиммасига оқлатилсин» дейилган бўлса, 33-фармойишда «2001 йил 22 мартдан шаҳар автобуслари ҳар бир йўловчи учун кира ҳақи 50 сўмдан, рухсат этилган ҳар бир юк ўрни учун кира ҳақининг икки баробари миқдоридан белгилансин» дейилган.

Очиғи, ҳокимликда ишлаб, қарорлар лойиҳасини тайёрлаётган кўпчилик мутахассислар қонунларни пухта билишмайди. Ҳоким эса ўз ходимига ишониб қарорга имзо чекади. Оқибатда яхши ният билан бошланган иш нотўғри ҳужжатлаштирилади. Бу ҳолатлар бошқаларга сабоқ бўлади, деган ниятда, деди сўзининг якунида И.Худойбердиев.

О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Кечагина сиз билан майин жилмайиб, қўли кўксидан самийий хол-ахвол сўрашиб, йўлида давом этган киши бугун йўқ. Бор-йўғи бир кун олдин ҳам у Беғат қишлоғидаги касалхонага зудлик билан чакирилган ва қайсидир оғир беморнинг ошқозонини бир неча соат тик оёқда туриб, бутун вужуди кўзга, меҳрга, маҳоратга айланиб, операция қилган. Ҳали билан олишиб, енганди! Узи эса эртасига барча азизларини, ёру дўстларини доғда қолдириб, ётмай-турмай, 63 ёшида дунёдан кўз юмди. Инсон бунчалар ганимат-а?!

Машҳур ҳофиз Маъмуржон Узоқов дўстлари даврасида кўшиқ айтиб ўтириб, омонатини топширган экан. Аҳроров ҳам сўнги нафасигача касбига, тоза виждонига содиқ қолди.

Ҳа, қувалиқларнинг барчаси танийдиган атоқли шифокор, олий тоифали жарроҳ Мирзали Аҳроров 38 йилдан бери катта-ю кичикнинг минг бир хил дардига даво топаётган эди. Ҳамама вақт, ҳар кун эл раҳматини, дуосини олаётган эди.

Ҳа, Аҳроров бошқача одам, бошқача шифокор эди. Юзи-кўзидан нур ёғилиб турарди. Кўзингизга юмшоқ-юмшоқ қарарди, лекин узокроқ қараб туришга ботинолмади. Овози ҳам юмшоқ, сокин, қалби ҳам юмшоқ эди.

Доктор Аҳроров ўз қўли, юксак маҳорати билан 100 мингта операция-

маънавий, ҳам моддий ёрдам кўрсатишига бош қўшди. Ёрдамга муҳтожни суяб, қўлтиқлади. Эвазига ҳеч қимдан ҳеч нарса талаб қилмади. «Яхшиларнинг яхшилиги нимада?», — деб сўрашган экан дошманддан. У эса «Ҳокисорлик, беминнат саховат ҳамда муқофот талаб қилинмаган хизматда», деб

Хотира уйғонса гўзалдир

ка, волейбол билан шугулланиб, икки марта Фарғона вилояти чемпиони бўлган...

180 нафар тиббиётчи футболчилар бел боғлаб майдонга чиқибди. Майдон пештоқида Аҳроровнинг беғубор суврати. Му-

қудалари Турсунали Курбонов, Мирза Нуриддинов ва бошқалар совғасалоомлар билан келиб турнир голибларини табриқлашди. Иккинчи ўрин тез тиббий ёрдам маркази футболчиларига, учинчи ўрин туман поликлиникаси ва тиш даволаш идоралари спортчиларига насиб этди. Хуллас, турнирда қатнашган 11 та жамоа аъзоларининг ҳаммаси муносиб тақдирланди.

Энг яхши ҳужумчи Абдумалик Қаюмов, энг яхши дарвозабонлар — Лазиз Мадрохимов, Абдуманноп Курбонов, энг яхши ҳимоячи Равшанбек Мамадалиев, шунингдек ҳакамлар Азиз Толипов, Дилшод Солиевлар ҳам эсдалик муқофотларига сазовор бўлишди.

Ҳаётда, кунига юзлаб одамлар бу ёруғ оламни тарқ этадилар. Фақат санокли кишиларнинггина номи абадий қолади. Ундайларни энтикиб-энтикиб эслаб юрадилар. Мирзали Аҳроровнинг номи ҳам қувалиқ яхшилар ана шундай шарафлаб, эъозламоқдалар.

Санъат МАХМУДОВА.

ЯХШИНИНГ НОМИНИ ЯХШИЛАР ЭСЛАР

яни амалга оширди. Ҳа, юз мингта! Бу рақамни айтишгина осон. Бу рақам замирида юз минг инсон, юз минг тақдир бор. Бу рақамга шифокорнинг умри, соғлиғи, қалб ҳарорати, ўтли юрағи-ю ақлидроки, бемисл илми ва кўз нури сингиб кетган. Бундан ташқари, у беморларга йиллар давомида 35-40 литрдан ортиқ ўз қонини, демаким, ўз жонини берди. Терга ботиб, қўллари толиб, бутун вужуди кўзга айланиб, операция қиларди-ю, мабодо қон гуруҳи тўғри келиб қолса, шу заҳоти билганини тугатиб, иссиқ қонини ҳам тухфа қиларди.

Минглаб кишиларга ҳам

жавоб берган экан. Худди шундай хокисорлик, беминнат саховот кўрсата билиш Аҳроровга хос фазилат эди. Ана шу фазилатидан топди у катта обрўни.

Яқинда Кува тумани соғлиқни сақлаш бўлими муdiri Нейматжон Аҳмедов ва касабга уюшмаси кўмитаси раиси Ҳокимжон Мамажонов бошчилигида аjoyиб ташаббусга кўл уриди. Аҳроров хотирасига бағишлаб футбол турнири ўтказилди. Дарвоқе, Мирзали Аҳроров ТошМИДа ўқиб юрганидаёқ талашбалар футбол жамоасида мохир дарвозабон бўлган. Кувада ишлаб юрганида ҳам футбол, энгил атлети-

собоқа қизигандан қизиб беллашувлар бир ҳафта давом этди. Кува тумани марказий шифохонаси футболчилари биринчи ўринни эгаллаб, Аҳроров сиймоси туширилган чинни кубок, биринчи даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Аҳроровни хотирлаб келган ҳомилар сафи кўпайгандан кўпайди. Дон маҳсулотлари корхонасидан Абдували Тошматов, тадбиркор Хурматилло Ҳакимов, Эргашали Асроров, спорт кўмитасидан Алишер Абдуллаев, Аҳроровнинг фарзандлари Бахтиёржон, Баҳодиржон, Зафаржон, Фарҳоджонлар,

Душанба кунини Ўзбекистон футбол федерацияси ижрокўмининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакат терма жамоасининг 2002 йилда Япония ва Жанубий Кореяда ўтказиладиган Жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланма учун иштироки ва унинг натижалари атрофида муҳокама этилди.

Владимир Сальков

«МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИҚДА МЕН ҲАМ АЙБДОРМАН»

Хитой терма жамоаси билан учрашувда футболчиларимизни майдонга Леонид Остроушко олиб тушади

Маълумки, саралаш ўйинларининг биринчи босқичида анчайин умидбахш ўйнаб, навбатдаги ҳал қилувчи босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган футболчиларимиз, афсуски, қатор учрашувларда муваффақиятсизликка учраб, билдирилган ишончини оқламадилар. Айниқса, БАА ва кунини кеча Уммон билан кечган ўйин муҳлисларни қаттиқ ранжитди.

Йиғилишда ҳисоботи тингланган Владимир Сальков, ниҳоят, биринчи марта ушбу мағлубиятларда ўзининг ҳам айбдор эканлигини тан олди. Хусусан, у бош мураббийлик вазифасини ўз зиммасидан соқит этар экан, бундай қарор ижроси Қатар билан ўтказилган матчда ўйин бой берилган тақдирда амал қилиши олдиндан келишиб олинганлигини, лекин учрашув дуранг натижа билан туғанлиги боис бироз кечиктирилганлигини маълум қилди.

Этироф этиш жоиз: хориждан бир қанча номдор футболчиларни терма жамоага жалб этиш ташаббускори барибир ўзига юклатилган юксак вазифани удалай олмади. Гуруҳ пешқадамлигига асосий даъвогар бўлган жамоамиз охир оқибатда лоақал қандайдир умид уйғотувчи иккинчи ўринга эга бўлмади. Ва, табиийки, қутилганидек бош мураббийга ишончсизлик билдирилди, у вазифасидан озод қилинди.

Ким билади, агар бу қарорга Абу-Дабида бўлиб ўтган биринчи ўйинда БАА термасига 1:4 ҳисобида мағлубиятга учралган заҳоти келинганда, бугунгидек ачинарли ҳолат юзага келмасмиди...

Шундай қилиб, терма жамоага раҳбарлик қилиш шу пайтгача Сальковга ёрдамлашиб келаётган Леонид Остроушкога вақтинча топширилди ва у 19 октябр кунини Хитой терма жамоаси билан бўладиган учрашувда футболчиларимизни майдонга олиб тушади.

Энг қизиги, жонзотлар ичида умуман рангларни англамайдиганлари ҳам мавжуд экан. Укки, кўршапалак ва денгиз каламуши ана шундай жонзотлар сирасига кирди.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлагани


Босишга топширилган вақти - 21.00
Топширилди 20.25

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Қадим Бухорои Шарифдан унча олисда бўлмаган масканда, аниқроғи Бухоро тумани ҳудудида Чорбақр тарихий меъморчилик мажмуаси жойлашган. Собиқ шўролар даврида мамлакатимиздаги бошқа кўплаб обидалар сингари Чорбақр мақбараси ҳам қаровсиз қолга келиб қолган эди. Мустақиллик йилларида мазкур зиёратгоҳ қайтадан таъмирланди. Бу вазифа асосан ҳашар йўли билан амалга оширилди. Айни вақтда ота-болаларимизнинг юксак ақл-идроки ва меҳнати маҳсули бўлган меъморчилик обидаси юртдошларимиз томонидан адолат, эрк ва мустақиллик учун кураш, Ватан шайни ва шуҳрати учун ўзини бағишлаш рамзи сифатида ардоқланиб келинмоқда.



Суратда: Чорбақр мақбарасининг умумий кўриниши.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Аукцион савдолари 2001 йил 21,28 ноябр, 6,13 декабр кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.

Савдоларга қуйидаги объектлар қуйилади:

1. Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, «Қорасув» даҳаси, 1 мавзесида жойлашган 22-сонли дўкон боғчаси (асосий воситалари билан).

Бошланғич баҳоси - 30 000 000 сўм (84445,0 АҚШ доллари).

2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбоши кўрғонида жойлашган «TOSHKENT LOK BO'YOQ ZAVODI» ОАЖ га қарашли Дам олиш маскани.

Бошланғич баҳоси - 10 000 000 сўм.

3. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида жойлашган «ЎзГИИТИ» ОАЖ Қарши партиясининг Самарқанд филиали биноси.

Бошланғич баҳоси - 10 000 000 сўм.

4. Бухоро вилояти, Қогон шаҳар, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКга қарашли «Темир йўлчи» савдо ишлаб чиқариш давлат корхонаси.

Бошланғич баҳоси - 20000,0 минг сўм (53224,0 АҚШ доллари)

Танлов савдолари 2001 йил 22,30 ноябр кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Танлов савдоларига қуйидаги объектлар қуйилади:

Манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 44 хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136 26 26, 136 28 75 Факс: 136 06 17.



1. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, «Сафдош» кўчаси, 4 уйда жойлашган, Яққасарой туман Халқ таълими бўлимига қарашли 427-сонли Болалар боғчаси (асосий воситалари билан).

Бошланғич баҳоси - 30 000 000 сўм (84445,0 АҚШ доллари).

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 405-уйда жойлашган, Миробод туман Халқ таълими бўлимига қарашли 164-сонли Болалар боғчаси (асосий воситалари билан).

Бошланғич баҳоси - 40 000 000 сўм (117 670,0 АҚШ доллари).

Танлов савдосидан Болалар боғчаларини сотиб олишнинг шартлари:

1. Мактабга болалар муассасасининг фаолият йўналишини ўзгартирмаслик; 2. Мактабга ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш; 3. Амалдаги талаб ва меъёrlарга мувофиқ болалар мактабга муассаса биносини, иншоотларини таъмирлаш ва қайта қуриш; 4. Боғча ҳудудини санитар талаблар бўйича обо-

донлаштириш, ёнғинга қарши чора-тадбирларга мувофиқ сақлаш; 5. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан, болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш; 6. Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2001 йил 22 ноябрда (шу кунни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 30 ноябрда Республика Биржалар маркази биносининг 3 қаватидаги мажлислар залида очилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдолари бўйича савдо бошлангичига 1 соат қолганида, танлов савдолари бўйича 3 кун қолганида тўхтатилади

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.